

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.



Олий Мажлис Сенатига

**УЙ-ЖОЙ БОЗОРИДА РАҚОБАТНИ  
РАҒБАТЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

Аҳолини қулай ва шинам уй-жой билан тўла-тўқис таъминлаш, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш тизимини жорий этиш масалаларига катта аҳамият берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилишини ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарори бул қилинган эди. Яқка тартибда уй-жой қурувчиларни ҳамда аҳоли учун уй-жой қураётган хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашга ёрдам бериш мақсадида "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки ва Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Мазкур қарор соҳанинг қонунчилик базасини ривожлантиришга зўр омил бахш этди. "Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги "Яқка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 272-сонли ва 2007 йил 3 январдаги "Уй-жой қурилишига, уй-жойларни реконструкция қилиш ва уй-жой сотиб олишга ипотека кредитлари бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2-сонли қарорлари қабул қилинди.

Ушбу долзарб масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки билан биргаликда ташкил этилган "Уй-жой бозорида рақобатни янада рағбатлантириш масалалари" мавзусидаги давра суҳбатида муҳокама мавзуси бўлди.

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги вақтда мамлакатнинг ҳамма минтақаларида уй-жой қуриш, уни сотиб олиш ва таъмирлаш соҳасида аҳолининг кенг қатламларига замонавий банк, инжиниринг ва консалтинг хизматлари кўрсатилмоқда. 2005-2007 йилларда ва жорий йилнинг биринчи ярмида "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки томонидан 50,9 миллиард сўм, қурилиш соҳасида фаолият юритувчи хўжалик субъектларига 31,1 миллиард сўм миқдорда ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 21,5 миллиард сўмдан кўпроқ ипотека кредитлари берилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари бериш кенгайиб бормоқда.

Тадбирда ипотека муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда уй-жой қурилишига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити бериш тизимини жорий этиш тажрибаси, шунингдек, ипотека муносабатларининг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш, қурилиш-индустриясини ривожлантириш, тармоқда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш шароитида уй-жой фондидан фойдаланишни яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида мамлакатда, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига ипотека кредити бериш мониторингини ташкил қилиш ҳамда бундай кредитлашни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, шунингдек, ёш оилаларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш муҳимлиги ва зарурлиги айтиб ўтилди. Мунозара асносида давра суҳбати иштирокчилари ипотека бозорини ривожлантириш ва ипотека муносабатларини рағбатлантириш, ипотека рўйхатдан ўтказиш механизмларини такомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозорининг ва ипотека билан боғлиқ бошқа молия бозорларининг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш масалалари юзасидан таклифлар билдирдилар ва тавсиялар қабул қилдилар.

Давра суҳбати ишида сенаторлар, олимлар, вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, муҳандислик-қурилиш компаниялари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

ЎЗА.

**ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ  
ТАҚДИМ ЭТАМИЗ**

МАРКАЗ ИНСТИТУТГА АЙЛАНДИ

Президентнинг 2008 йил 30 июлдаги ПҚ-928-сон қарори билан Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти этиб қайта ташкил қилинди. Унинг илмий ва амалий фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бошқариш вазифалари бевосита Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига юкланди.

Ҳужжат билан Институтнинг тузилмаси ва низоми тасдиқланди, фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари белгиланиб, улар жумласига: макроиқтисодий кўрсаткичларни чуқур таҳлил қилиш, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тамойилларини ва миллий иқтисодиётга таъсир кўрсатадиган ташқи омилларни ўрганиш; Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўрта муддатли (5 йил) ва узоқ муддатли (10 йил) кўп вариантли прогнозларини шакллантириш; тармоқ ва ҳудудий номуносабликларни, уларни белгилаб берувчи омилларни чуқур таҳлил қилиш, таркибий қайта қуриш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва бошқалар кирди. Институтнинг молиялаштириш манбалари белгиланди. Унинг эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган ускуналар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилиб, бўшайдиган маблағлар эса Институтнинг низом фаолиятини бажаришга йўналтирилади.

\*\*\*

Президентнинг 2008 йил 30 июлдаги ПҚ-930-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ижтимоий тадқиқотлар институти ташкил этилган бўлиб, унинг фаолиятини бевосита мувофиқлаштириш ва бошқариш Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига юкланди. Институтнинг асосий вазифалари этиб мамлакатдаги аҳоли турмуш даражаси ва сифати, жамиятнинг ижтимоий табақаланиш жараёнлари ва суръатини тизимли мониторинг қилиш ва таҳлил этиш; маҳаллий истеъмол хусусиятлари, аънаналар, табиий-иқлим шароитлари ва Ўзбекистоннинг бошқа ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг турли гуруҳлари учун истеъмол саватининг илмий асосланган таркибини белгилашдан иборат.

Институтни молиялаштириш манбалари белгиланди. Унинг даромадлари солиққа тортиш объекти ҳисобланмаслиги, ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган жиҳозлар эса божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиниши белгиланди. Бунда бўшайдиган маблағлар юклатилган вазифаларни бажаришга йўналтирилади.

**ЧУҚУР БИЛИМ ОЛИШ УЧУН  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБГА  
ЙЎЛ ОЛИНГ**

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги "Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" 173-сон қарори билан давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг айрим фанлар чуқур ўрганиладиган қуйидаги турлари белгиланди:

ихтисослаштирилган мактаблар, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар. Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган синфлар ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари тўғрисидаги, шунингдек футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар тўғрисидаги низомлар тасдиқланди. Ушбу муассасаларнинг асосий вазифалари этиб ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талабларидан ошадиган чуқур таълим тайёргарлигини таъминлаш; уларнинг ижодий салоҳиятини намойён қилиш ва фаоллаштириш; ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда профессионал таълим дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик ўзлаштириш учун асос яратиш белгиланди.

**ТМЭК УЧУН ҲУЖЖАТЛАР ПАКЕТИ**

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги "Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 175-сон қарори ("Норма маслаҳатчи"да чоп этилади) билан қуйидагилар тасдиқланди:

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш Республика инспекцияси тўғрисидаги низом;  
- Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари тўғрисидаги низом;

- Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш ва ногиронлиқни белгилаш тартиби тўғрисидаги низом;

- Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш Республика инспекциясининг тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг намунавий тузилмаси;

- Тиббий текширишдан қайта ўтказиш муддати кўрсатилмасдан ногиронлик гуруҳи белгиланадиган касалликлар рўйхати.

**СЕРТИФИКАТ МАЖБУРИЙДИР**

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 176-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди ("Норма маслаҳатчи"да чоп этилади). Унга чармдан тайёрланган буюмлар (бокс қўлқоплари, снаряд қўлқоплари ва бокс лапалари), спорт учун бош кийимлар, ўйинчоқлар, болалар ўйинлари, спорт инвентарлари киритилди.

**КВАРЦ ҚИДИРИЛАДИ**

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 11 августдаги 178-сон қарори билан Жиззах вилоятининг Заргар, Усман ва Туркман истиқболли майдонларида кварц ва кварцитлар конларини аниқлаш ва кейинчалик қазиб олиш мақсадида тадбиркорлик

2-бетда

УШБУ  
СОНДА

1-2-бетлар

Янги ҳужжатларда  
қандай янгиликлар бор?

\$1 = 1319,31 сўм

3-бет

Сентябрь:  
солиқ тўловчи таквими

€1 = 1947,57

4-бет

Жисмоний шахслардан  
олинадиган солиқлар

£1 = 2567,24 сўм

5-12-бетлар

Қонунчиликдаги  
янгиликлар

¥10 = 119,80 сўм

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

← **1-бетда**

таваккалчилиги шартларида геология-қидирув ишларини амалга ошириш учун Ўзбекистон-Корея «Uz-Shindong Silicon» МЧЖ қўшма корхонаси ташкил этилди. ҚҚнинг устав капитали миқдори 2 430 минг АҚШ долларига тенг, ундан: 50 фоиз миқдоридаги «Shindong Enercom Inc.» компанияси (Корея Республикаси) улуши— пул маблағлари ва асбоб-ускуналар ҳисобига шаклланади; 50 фоиз миқдоридаги Давлат геология қўмитаси улуши — Жиззах вилоятининг Заргар, Усман ва Туркман истиқболли майдонларида таркибида кварц мавжуд бўлган хом ашёга илгари ўтказилган геология-қидирув ишлари давомида олинган геология, геофизика ахбороти ва бошқа ахборот ҳисобига шаклланади.

## ЖАМИЯТ ҲАМ, ИМТИЁЗЛАР ҲАМ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 11 августдаги 180-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 17 июндаги «ЎзДЭУавто» АЖ маҳсулотини экспорт қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 302-сон қарори

ўз кучини йўқотган деб топилди, у билан бирга ушбу жамиятга илгари берилган имтиёзлар ҳам ўз кучини йўқотди.

## КАСАНАЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 11 августдаги 181-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3706-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида» қарорига (2006 йил 11 январдаги 4-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, касаначилик билан шуғулланувчи шахслар томонидан коммунал хизматлар ҳақини тўлаш, аввалги қоидага кўра, аҳоли учун қўлланиладиган тарифлар бўйича, бироқ энди ўлчов асбобларининг кўрсаткичларига қатъий амал қилиш шартли мажбурий бўлмаган ҳолда амалга оширилади. Ишчи комиссиянинг асосий вазифаларига эса шунингдек: туманлар (шаҳарлар) ҳудудида жойлашган корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари бажарилиши мониторингини олиб бориш; иш берувчи корхоналар томонидан касаначиликнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларга ҳуқуқлар ҳимоя қилинишида кўмаклашиш; касаначилик билан шуғулланиш истагида бўлган банд бўлмаган аҳоли сонини ва малакасини аниқлаш, шунингдек уларни ишга жойлаштиришда кўмаклашиш ҳам қиради. Касаначилик шароитларида фойдаланиш мумкин бўлмаган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва маҳсулотлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланишидан иборат бўлган меъёр киритилди.

## УЧУВЧИЛАР УЧУН

Тошкент давлат техника университетига кадрлар тайёрлаш таркибини такомиллаш-

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 9 августдан 16 августгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 33-сон асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.pogta.uz](http://www.pogta.uz) сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рўқнида танишиб чиқишингиз мумкин.

тириш муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 11 августдаги 182-сон қарори билан айрим қарорларга ўзгартиришлар киритилди, шунингдек баъзилари ўз кучини йўқотди. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тизимида кадрлар билан ишлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 295-сон қарорига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, Тошкент давлат техника университетининг Авиация факультетида муҳандислар тайёрлаш бўйича мутахассисликлар ва Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида учувчилар ва техниклар тайёрлаш бўйича мутахассисликлар рўйхатлари янги тахрирда баён этилган.

## ТўЛАГАН БЎЛСАНГИЗ, ТАСДИҚЛАНГ

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг қўшма қарори (АВ томонидан 2008 йил 13 августда 428-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Экспорт-импорт юқларини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи» да чоп этилади). Экспорт ва эркин муомала (импорт) режимларида олиб чиқилаётган товарларни расмийлаштириш чоғида энди шунингдек божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари (тўлов топшириқномаси, квитанция, текшириш далолатномаси) ҳам тақдим этилиши керак. Улар бўйича кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш рухсат этилган тақдирда, тўлов топшириқномаси ўрнига улар тўланиши товарлар ва транспорт воситалари гарови, банк кафолати ёхуд божхона органининг депозит ҳисобрақамига тўланиши лозим бўлган суммалар киритилиши билан таъминланганлигини тасдиқлайдиган ДБК ҳудудий бошқармасининг хулоса-хати тақдим этилади.

2008 йил 23 августдан кучга қиради.

## РЕКЛАМА

**Setcom** System Integration. Security (6 тадан 1024 та рақамгача)

212-5555, 212-5454, 212-5353, 234-8877.

Хизматлар лицензияланган

**МИНИ-АТС**

- Ишга тушириш-созлаш
- Техник кузатув
- Сервис хизмати кўрсатиш
- Кафолат - 1 йил

## “Картрижларни Тўлдириш Маркази”

муваффақиятнингиз учун комплекс ечим

☎ 919-30-40

картрижлар, принтерлар, кофирлар, ШКларни

## ТўЛДИРИШ - ТАЪМИРЛАШ - АЛМАШТИРИШ

7 777 сўмдан бошлаб

“Trade in” хизмати

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 19 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйдаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1152,55	1 Малайзия ринггити	395,83
1 Англия фунт стерлинги	2567,24	1 Польша злотийси	584,26
1 Дания кронаси	261,20	1 СДР	2070,68
1 БАА дирҳами	359,19	1 Туркия лираси	1113,34
1 АҚШ доллари	1319,31	1 Швейцария франки	1208,38
1 Миср фунти	248,46	1 ЕВРО	1947,57
1 Исландия кронаси	16,07	10 Жанубий Корея вони	12,63
1 Канада доллари	1248,28	10 Япония иенаси	119,80
1 Хитой юани	192,06	1 Россия рубли	53,84
		1 Украина гривнаси	272,36

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	20.08.2008	1	0,8138	1	1,2021	1	0,0332
Арманистон	20.08.2008	1	301,3	1	444,04	1	12,34
Беларусь	21.08.2008	1	2111	1	3114,67	1	86,4
Грузия	20.08.2008	1	1,413	1	2,0702	1	0,0575
Қозоғистон	21.08.2008	1	120	1	176,89	1	4,91
Қирғизистон	16.08.2008	1	34,8065	1	51,2091	1	1,4204
Латвия	21.08.2008	1	0,476	1	0,702804	1	0,0194
Литва	21.08.2008	1	2,341	1	3,4528	10	9,5827
Молдова	20.08.2008	1	9,6724	1	14,2208	1	0,3938
Тожикистон	21.08.2008	1	3,4185	1	5,0173	10	1,3992
Ўзбекистон	19.08.2008	1	1319,31	1	1947,57	1	53,84
Украина	20.08.2008	100	484,36	100	710,8952	10	1,9713
Эстония	20.08.2008	1	10,6639	1	15,6466	1	0,434223

Манба: [www.prime-tass.ru](http://www.prime-tass.ru)

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОҲОБЧАЛАРИДА

2008 йил 19 август ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиш	харид	сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1331,00	1333,00	1947,00	1976,00
“Асака” банки	1331,00	1333,00	1948,00	1953,00
“Ўзсаноатқурилишбанк”	1332,00	1334,00	1949,00	1963,00
“Пахта Банк”	1332,00	1334,00	1967,00	1970,00
“Халқ банк”и	1331,00	1333,00	1948,00	1961,00
“Ипотекабанк”	1332,00	1334,00	1948,00	1955,00
“Микрокредитбанк”	1331,00	1333,00	1948,00	1963,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1331,00	1334,00	1939,00	1965,00
“UzKDBбанк”	1331,00	1334,00	1948,00	1963,00
“Ғаллабанк”	1332,00	1334,00	1948,00	1957,00
“Трастбанк”	1332,00	1334,00	1948,00	1963,00
“Алп Жамол банк”	1331,00	1333,00	1948,00	1953,00
“Алоқабанк”	1332,00	1334,00	1955,00	1970,00
“Ў-Т банк”	1331,00	1334,00	1948,00	1968,00
“Туронбанк”	1332,00	1334,00	1948,00	1968,00
Ўзбекистон-Германия “Савдогар” АТБ	1331,00	1333,00	1950,00	1980,00
“Ипак йўли” банки	1332,00	1334,00	1950,00	1960,00
“Туркистон” банк	1332,00	1334,00	1948,00	1950,00
“Даврбанк”	1331,00	1334,00	1948,00	1968,00
“Кредит-Стандарт” банки	1332,00	1334,00	1948,00	1976,00
“Капитал банк”	1332,00	1334,00	1947,60	1976,00
“Содерат банк”	1331,00	1333,00	1947,00	1976,00
“Ҳамкорбанк”	1332,00	1334,00	1948,00	1960,00
“Универсалбанк”	1331,00	1334,00	1964,00	1969,00
“Равнақбанк”	1331,00	1333,00	1947,00	1976,00

“Банк ахборотномаси” 33-сон (640) 2008 йил 20 август.

УШБУ СОНДА:

### ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Уй-жой бозорида рақобатни рағбатлантириш йўлида  
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
- Валюталар курси

1-2-бетлар

### ✓ СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР

- Солиқ тўловчининг тақвими

3-бет

### ✓ БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

- 2008 йилнинг август ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олина-

диган солиқ ҳисоб-китоби

4-бет

### ✓ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

- “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

- “Бугдой, ун, гуруч ва нон-булка

маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш ҳоллари устидан назоратни кучайтириш ва уларнинг олдини олишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.

Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:

- Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”-ги қарори;

- ЎЗР молия вазирининг “Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2008 йил II чорагида “Солиқ ва божхона хабарлари” ҳамда “Норма маслаҳатчи” газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати.

5-12-бетлар

### ✓ БИЗНЕС-ПАНОРАМА

13-16-бетлар

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

## (ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН) 2008 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ



**ИШ ВАҚТИ ҲИСОБ-КИТОБИ (соатларда):**  
 5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – 167  
 6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – 166  
 36 соатли иш ҳафтасида – 149

**ИШ КУНЛАРИ СОНИ:**  
 5 кунлик иш ҳафтасида – 21  
 6 кунлик иш ҳафтасида – 25

**3**

- август ойининг III ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

- август ойининг III ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).

**5**

- август ойи учун акцизли товарлар алоҳида турларининг харид қилиниши ва сотилиши (ички бозорда янги автомобиллар, алкогольли ва тамаки маҳсулотлари, ўсимлик мойи, автомобиль бензини, дизель ёқилғисини сотиш) тўғрисида маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни.

**9**

- август ойи учун меҳнат пайтида майиб бўлиш ёки касбий касалланиш оқибатида тайинланган ва тўланган пенсиялар бўйича харажатларни қоплашга тўлов тўлашнинг сўнгги куни (МВ, МАИМКВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомнинг 44-банди).

**10**

- август ойи учун ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни\* (Солиқ кодекси, 310-модда, учинчи қисм);

- август ойи учун ягона ижтимоий тўловни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 310-модда, бешинчи қисм).

**13**

- сентябрь ойининг I ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

**\*\*****\*\*\***

- сентябрь ойининг I ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).

**14**

- сентябрь ойи учун фойда солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни\*\* (Солиқ кодекси, 164-модда, учинчи қисм);

**\*\*****\*\*\***

- август ойи учун Халқ банкига жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи ходимлар реестри ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига 1 фоиз миқдорда бадаллар тўлангани ҳақида тўлов топшириқномасини тақдим этишнинг сўнгги куни (ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида низомнинг 16-банди; МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 10-банди).

**15**

- сентябрь ойи учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни\*\*\* (Солиқ кодекси, 300-модда, бешинчи ва олтинчи қисмлар).

\*) солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари;

\*\*) ҳисобот давридаги қутилаётган солиқ солинадиган фойдаси энг кам иш ҳақи даражасининг 200 бараваригача бўлган корхоналардан ташқари. Тўлов манбаида ушлаб қолинандиган юридик шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизларга фойда солиғи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларидан фойда солиғи бюджетга мазкур тўловларни тўлаш кунидан кечиктирмасдан ўтказилади;

\*\*\*) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий тўловлари қуйидагилар томонидан тўланмайди:

ҳисобот давридаги солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг 200 баробарига миқдорда бўлган солиқ тўловчилар томонидан;

ўтган ҳисобот даврида ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаб туриш бўйича харажатлари суммаси солиқ солинадиган базага тенг ёки ундан кўп бўлган солиқ тўловчилар томонидан;

ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан;

\*\*\*\*) қишлоқ хўжалиги корхоналари, микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек бир чорак учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун умумий солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан кам бўлган корхоналардан ташқари;

\*\*\*\*\*) муддатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаш куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.

**23**

- сентябрь ойининг II ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

- сентябрь ойининг II ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).

**24**

- август ойи учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни\*\*\*\* (Солиқ кодекси, 263-модда, учинчи қисм; 264-модда, биринчи қисм);

- август ойи учун цементга ва табиий газга қўшимча фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 21.02.2008 йилда 1772-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 12-13-бандлари; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 5.03.2008 йилда 1776-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 13-14-бандлари).

**25**

- август ойи учун ҚҚС бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни\* (Солиқ кодекси, 225-модда, биринчи қисм; 226-модда, биринчи қисм);

- август ойи учун акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни\* (Солиқ кодекси, 239-модда);

- август ойи учун ер қазридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни\* (Солиқ кодекси, 247-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);

- сентябрь ойи учун бюджетга мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 271-модда, учинчи қисм);

- август ойи учун транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни\* (Солиқ кодекси, 304-модда, учинчи қисм);

- август ойи учун Республика йўл жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни\* (Солиқ кодекси, 319-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);

- август ойи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни\* (Солиқ кодекси, 315-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);

- август ойи учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни (ҳисоб-китобни ҳар чоракда тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) (Солиқ кодекси, 360-модда, тўртинчи ва бешинчи қисмлар);

- август ойи учун фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 372-модда, еттинчи қисм);

- август ойи учун мактаб таълимни ривожлантиришга мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни\* (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 31.01.2005 йилда 1446-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимни ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 6, 7-бандлари).



Солиқ тўловчининг тақвими - "Норма маслаҳатчи" газетаси ва "Norma" АХТ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига "Норма маслаҳатчи" газетаси тахририяти ёки "Norma-Hamkor" МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.

# 2008 ЙИЛНИНГ АВГУСТ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБИ

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
(6 x 160 215) = 961 290 сўмгача	Даромад суммасининг 13 фоизи
961 291 сўмдан (10 x 160 215) = 1 602 150 сўмгача	124 967,7 сўм + 961 290 сўмдан ортиқ сумманинг 18 фоизи
1 602 151 сўм ва ундан юқори	240 322,5 сўм + 1 602 150 сўмдан ортиқ сумманинг 25 фоизи

Президентнинг 2007 йил 23 октябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида" ПФ-3931-сон Фармонида биноан энг кам иш ҳақи миқдори ойига 18 630 сўм этиб белгиланган. 2008 йил 1 апрелдан бошлаб Президентнинг 2008 йил 5 мартдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида" ПФ-3972-сон Фармонида биноан у ойига 20 865 сўмгача оширилди. Январь-август ойлари учун энг кам иш ҳақининг жами миқдори 160 215 сўмни (18 630 + 18 630 + 18 630 + 20 865 + 20 865 + 20 865 + 20 865 + 20 865) ташкил қилади.

**I МИСОЛ.** Корхона ходимига август ойи учун 112 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-август ойлари учун жами даромади 860 000 сўмни (100 000 + 100 000 + 100 000 + 112 000 + 112 000 + 112 000 + 112 000 + 112 000) ташкил этади. Январь-июль ойларида ушланган солиқ суммаси 97 240 сўмга тенг.

Унинг август ойидаги иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-август ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (860 000 сўм даромаддан):

ходимнинг даромади энг кам иш ҳақининг 6 баравари – 961 290 сўм (160 215 x 6) дан ошмаслиги сабабли, унга 13% ича ставка бўйича солиқ солинади:

$$860\,000 \times 13\% = 111\,800 \text{ сўм.}$$

2. Август ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$111\,800 - 97\,240 = 14\,560 \text{ сўм.}$$

3. 2008 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромади) солиқ солинадиган суммасининг 1% миқдоридида белгиланган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида" 595-сон қарорининг 2-банди). Январь-август ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-ваварағига (бундан кейин ШЖБПҲ) иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридида мажбурий ушланмалар суммаси 8 600 сўмни (860 000 x 1%) ташкил этади. Январь-июль ойларида 7 480 сўм ушлаб қолинган, август ойида 1 120 сўм (8 600 – 7 480) ушланиши лозим.

4. Август ойи учун бюджетга 13 440 сўм (14 560 – 1 120) даромад солиғи ўтказилади.

5. 2008 йилда фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий сугурта бадаллари ставкаси ходимнинг бадаллар ҳисобланадиган иш ҳақи (даромади)нинг 2,5% миқдоридида белгиланган (Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-744-сон қарорининг 3-банди). Август ойи учун мажбурий сугурта бадаллари ажратмаси ходимнинг барча иш ҳақи суммаси - 112 000 сўмдан ундирилади. Ажратма суммаси 2 800 сўмни (112 000 x 2,5%) ташкил этади.

6. Солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар ушлаб қолингандан кейин август ойи учун иш ҳақи суммаси:

$$112\,000 - 14\,560 - 2\,800 = 94\,640 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

**II МИСОЛ.** Корхона ходимига август ойи учун 225 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-август ойлари учун жами даромади 1 725 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-июль ойларида 235 650 сўм солиқ ушланган.

Унинг август ойидаги даромадидан солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-август ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (1 725 000 сўм даромаддан):

$$240\,322,5 + (1\,725\,000 - 1\,602\,150) \times 25\% = 271\,035 \text{ сўм.}$$

2. Август ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$271\,035 - 235\,650 = 35\,385 \text{ сўм.}$$

3. Январь-август ойлари учун ШЖБПҲга иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридида мажбурий ушланмалар суммаси 17 250 сўмни (1 725 000 x 1%) ташкил этади. Январь-июль ойларида 15 000 сўм ушлаб қолинган, август ойида 2 250 сўм (17 250 – 15 000) ушланиши лозим.

4. Август ойи учун бюджетга 33 135 сўм (35 385 – 2 250) даромад солиғи ўтказилади.

**III МИСОЛ.** Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган корхона ходимига (масалан, хизматли Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб бориладиган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган кўшинларнинг чекланган контингенти таркибидида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йилларига қақирилган ҳарбий хизматга мажбурийлар сирасидан) август ойи учун 225 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-август ойлари учун жами даромади 1 725 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 +

225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-июль ойларида ушлаб қолинган солиқ суммаси 127 863 сўмни ташкил этди.

Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг жами даромадидан ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорининг тўрт бараварига тенг даромад суммаси чиқариб ташланишини ҳисобга олганда, унинг январь-август ойлари учун солиқ солинадиган жами даромади қуйидагини ташкил этади: 4 x 160 215 = 640 860 сўм.

Унинг иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:

$$1\,725\,000 - 640\,860 = 1\,084\,140 \text{ сўм.}$$

2. Январь-август ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (1 084 140 сўм даромаддан):

$$124\,967,7 + (1\,084\,140 - 961\,290) \times 18\% = 147\,080,7 \text{ сўм.}$$

3. Август ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$147\,080,7 - 127\,863 = 19\,217,7 \text{ сўм.}$$

4. Январь-август ойлари учун ШЖБПҲга солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридида мажбурий ушланмалар суммаси 10 841,4 сўмни (1 084 140 x 1%) ташкил этади. Январь-июль ойларида 9 426 сўм ушлаб қолинган, август ойида 1 415,4 сўм (10 841,4 – 9 426) ушланиши лозим.

5. Август ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 17 802,3 сўмга (19 217,7 – 1 415,4) тенг.

**IV МИСОЛ.** Ходимга август ойи учун 225 000 сўм миқдоридида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 50 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган. Май ойида муҳим шахсий воқеа муносабати билан унга 400 000 сўм миқдоридида моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридида келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИХнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қиймати, яъни мазкур ҳолатда 18 630 x 6 = 111 780 сўмга солиқ солинади.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдоригача кўрсатиладиган моддий ёрдам суммасига, яъни мазкур ҳолатда 20 865 x 12 = 250 380 сўмга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

Ходимнинг январь-август ойларидаги жами даромади 2 175 000 сўмни (200 000 + 50 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 400 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-июль ойларида 273 055 сўм солиқ ушланган.

Даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад:

$$2\,175\,000 - (50\,000 + 250\,380) = 1\,874\,620 \text{ сўмга тенг.}$$

2. Январь-август ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (1 874 620 сўм даромаддан):

$$240\,322,5 + (1\,874\,620 - 1\,602\,150) \times 25\% = 308\,440 \text{ сўм.}$$

3. Август ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$308\,440 - 273\,055 = 35\,385 \text{ сўм.}$$

4. Январь-август ойлари учун ШЖБПҲга солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридида мажбурий ушланмалар суммаси 18 746,2 сўмни (1 874 620 x 1%) ташкил этади. Январь-июль ойларида 16 496,2 сўм ушлаб қолинган, август ойида 2 250 сўм (18 746,2 – 16 496,2) ушланиши лозим.

5. Август ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 33 135 сўмга (35 385 – 2 250) тенг.

**V МИСОЛ.** Ходимга август ойи учун 225 000 сўм миқдоридида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 150 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридида келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИХнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қиймати, яъни мазкур ҳолатда 18 630 x 6 = 111 780 сўмга солиқ солинади.

Ходимнинг январь-август ойларидаги жами даромади 1 875 000 сўмни (200 000 + 150 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-июль ойлари учун 245 205 сўм солиқ ушланган.

Даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад:

$$1\,875\,000 - 111\,780 = 1\,763\,220 \text{ сўмга тенг.}$$

2. Январь-август ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (1 763 220 сўм даромаддан):

$$240\,322,5 + (1\,763\,220 - 1\,602\,150) \times 25\% = 280\,590 \text{ сўм.}$$

3. Август ойидаги даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$280\,590 - 245\,205 = 35\,385 \text{ сўм.}$$

4. Январь-август ойлари учун ШЖБПҲга солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридида мажбурий ушланмалар суммаси 17 632,2 сўмни (1 763 220 x 1%) ташкил этади. Январь-июль ойларида 15 382,2 сўм ушлаб қолинган, август ойида 2 250 сўм (17 632,2 – 15 382,2) ушланиши лозим.

5. Август ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 33 135 сўмга (35 385 – 2 250) тенг.

**VI МИСОЛ.** Ходимга август ойи учун 225 000 сўм миқдоридида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан аризасига биноан

унга январь ойида 250 000 сўм миқдоридида моддий ёрдам берилган. Оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан июнь ойида 350 000 сўм миқдоридида моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра қуйидаги моддий ёрдам суммалари жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадида киритилмайди:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган ЭКИХнинг йигирма бараваригача миқдоридида;

бошқа ҳолатларда – ЭКИХнинг ўн икки бараваригача миқдоридида; Ходимнинг январь-август ойлари учун жами даромади 2 325 000 сўмни (200 000 + 250 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 350 000 + 225 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-июль ойлари учун 242 260 сўм солиқ ушланган.

Даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадида киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:

$$18\,630 \times 12 = 223\,560 \text{ сўм.}$$

$$20\,865 \times 20 = 417\,300 \text{ сўм.}$$

Ходимнинг оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан тўланган 350 000 сўм миқдоридидаги моддий ёрдам суммаси имтиёзли миқдордан ошмаслиги сабабли, солиқ солинадиган даромаддан барча суммани чиқариб ташлаймиз.

2. Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:

$$2\,325\,000 - 223\,560 - 350\,000 = 1\,751\,440 \text{ сўм.}$$

3. Январь-август ойлари учун солиқ суммасини аниқлаймиз (1 751 440 сўм даромаддан):

$$240\,322,5 + (1\,751\,440 - 1\,602\,150) \times 25\% = 277\,645 \text{ сўм.}$$

4. Август ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$277\,645 - 242\,260 = 35\,385 \text{ сўм.}$$

5. Январь-август ойлари учун ШЖБПҲга солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридида мажбурий ушланмалар суммаси 17 514,4 сўмни (1 751 440 x 1%) ташкил этади. Январь-июль ойларида 15 264,4 сўм ушлаб қолинган, август ойида 2 250 сўм (17 514,4 – 15 264,4) ушланиши лозим.

6. Август ойи учун бюджетга 33 135 сўм (35 385 – 2 250) даромад солиғи ўтказилади.

**VII МИСОЛ.** Ходимга август ойи учун 225 000 сўм миқдоридида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан аризасига биноан апрель ойида унга 300 000 сўм миқдоридида моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида 12 ЭКИХ миқдоригача моддий ёрдам суммаси жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадида киритилмайди.

Ходимнинг январь-август ойлари учун жами даромади 2 025 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 300 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-июль ойларида 248 055 сўм солиқ ушланган.

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадида киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:

$$20\,865 \times 12 = 250\,380 \text{ сўм.}$$

2. Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:

$$2\,025\,000 - 250\,380 = 1\,774\,620 \text{ сўм.}$$

3. Январь-август ойлари учун солиқ суммасини аниқлаймиз (1 774 620 сўм даромаддан):

$$240\,322,5 + (1\,774\,620 - 1\,602\,150) \times 25\% = 283\,440 \text{ сўм.}$$

4. Август ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$283\,440 - 248\,055 = 35\,385 \text{ сўм.}$$

5. Январь-август ойлари учун ШЖБПҲга иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридида мажбурий ушланмалар суммаси 17 746,2 сўмни (1 774 620 x 1%) ташкил этади. Январь-июль ойларида 15 496,2 сўм ушлаб қолинган, август ойида 2 250 сўм (17 746,2 – 15 496,2) ушланиши лозим.

6. Август ойи учун бюджетга 33 135 сўм (35 385 – 2 250) даромад солиғи ўтказилади.

**VIII МИСОЛ.** Корхона ходимига август ойи учун 225 000 сўм миқдоридида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди.

Корхона раҳбарининг буйруғига биноан январь-август ойлари учун унга хизмат сафарларида "Нексия" русумли шахсий автомобилдан белгиланган тартибда фойдаланганлик учун компенсация тўланди. Компенсациянинг ҳар ойлик миқдори ЭКИХнинг 5 бараварига тенг. Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджетдан молияланадиган ташкилотларда хизмат энгил автотранспортларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида" қарори (1999 йил 2 апрелдаги 154-сон) 4-бандида ойлик компенсациянинг чегараланган миқдорлари белгиланган. "Нексия" русумли автомобиллар учун у энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 бараварига тенг.

Солиқ кодекси 174-моддасининг 11-бандига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари жумласига хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилдан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар киритилади.

Август ойи учун компенсация миқдори 104 325 сўмни (20 865 x 5) ташкил этади ва белгиланган чегараланган миқдордан ошмайди. Январь-август ойлари учун умумий компенсация суммаси 801 075 сўмдан (93 150 + 93 150 + 93 150 + 104 325 + 104 325 + 104 325 + 104 325) иборат.

Январь-август ойлари учун жами даромад 2 526 075 сўмни (200 000 + 93 150 + 200 000 + 93 150 + 200 000 + 93 150 + 225 000 + 104 325 + 225 000 + 104 325 + 225 000 + 104 325 + 225 000 + 104 325) ташкил этади. Январь-июль ойларида 235 650 сўм солиқ ушланган.

Ходимнинг январь-август ойларидаги даромадидан солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:

$$2\,526\,075 - 801\,075 = 1\,725\,000 \text{ сўм.}$$

Кейинги ҳисоб-китоб II мисолдагидек тартибда амалга оширилади.

Ҳисоб-китобни эксперт,  
Солиқ маслаҳатчилари палатасининг аъзоси  
Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ тайёрлади.

## РЕКЛАМА

SetKom ВИДЕОКУЗАТУВ

**ТИЗИМЛАРИ**

Лойиҳа • Етказиб бериш • Монтаж

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

- “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

- “Буғдой, ун, гуруч ва нон-булка маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш ҳоллари устидан назоратни кучайтириш ва уларнинг олдини олишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

- Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори;

- ЎзР молия вазирининг “Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

● **2008 йил II чорагида “СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ” ҲАМДА “НОРМА МАСЛАХАТЧИ” ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 28-сон, 264-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда аудиторлик фаолиятини янада такомиллаштириш, аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 августидан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида эллик фоизи муассислар (иштирокчилар)нинг пул маблағларидан, қолган қисми эса аудиторлик фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган моддий бойликлардан шакллантирилади.

2. Ишлаб турган аудиторлик ташкилотлари 2009 йилнинг 1 августигача бўлган муддатда устав капиталининг тузилмасини мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган талабга мувофиқлаштирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўми-

таси билан биргаликда 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб ушбу қарор талабларига жавоб бермайдиган аудиторлик ташкилотларининг лицензиялари амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш ва бекор қилиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 2 июль  
ПҚ-907-сон.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2008 йил 2 июлдаги  
ПҚ-907-сон қарорига  
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА  
КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарори билан тасдиқланган Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги низомнинг:

12-банди қуйидаги мазмундаги бешинчи-олтинчи хат-бошилари билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг аудиторлик ташкилотига унинг штатидаги аудиторларнинг энг кам сонига нисбатан қўйилган талаби мазкур аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторлик штати аудиторлар-

нинг белгиланган энг кам сони билан тўлиқ тўлдирилишини назарда тутди.

Аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида эллик фоизи муассислар (иштирокчилар)нинг пул маблағларидан, қолган қисми эса аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган моддий бойликлардан шакллантирилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 62-модда)нинг:

а) 3-банди:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторларга малака сертификатларини бериш, амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-иловасидаги 10-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Солиқ органлари қуйидагилар:

мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар;

ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар бўйича аудиторлик текшируви ўтказган аудиторлик ташкилотини кўрсатиб ўтган ҳолда мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар;

мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаган хўжалик юритувчи субъектлар;

мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаган хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилган жарима санкциялари тўғрисида маълумотлар базасини олиб боради.

Давлат солиқ қўмитаси ҳар йили 20 февралгача ва 20 июлгача лицензия берувчи органга ушбу хўжалик юритувчи субъектлар ва уларга нисбатан ўтган йил ва жорий йилнинг биринчи ярми учун қўлланилган жарима санкциялари тўғрисида умумлашма ахборот тақдим этади. Бунда ҳар бир мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилган хўжалик юритувчи субъект бўйича мазкур текширувни олиб борган аудиторлик ташкилоти кўрсатиб ўтилади.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказмаган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган жазо чораларини қўлламаганлиги учун солиқ органларининг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар»;

в) 3-иловасидаги:

4-банди:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«меҳнат дафтарчаларининг нотариал тасдиқланган нусхалари ва асосий иш жойи бўйича штатдаги аудиторларни ушбу Низомда назарда тутилган штатдаги аудиторларнинг энг кам сонига тўғри келадиган миқдорда ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқларнинг тасдиқланган нусхалари»;

тўртинчи—олтинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи—еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

26-1-банди қуйидаги мазмундаги бешинчи-олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг аудиторлик ташкилотига унинг штатидаги аудиторларнинг энг кам сонига нисбатан қўйилган талаби мазкур аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторлик штати аудиторларнинг белгиланган энг кам сони билан тўлиқ тўлдирилишини назарда тутати.

Лицензия олингандан сўнг ушбу банд талабларига тўғри келмаган тақдирда аудиторлик ташкилоти номувофиклик юзага келгандан бошлаб 5 кун давомида лицензия берувчи органни ёзма равишда хабардор қилади ҳамда кўрсатилган санадан бошлаб камида 3 ой муддатда юзага келган номувофикликни бартараф этиши, ёки бошқа турдаги аудиторлик текширувини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия олиш ёхуд белгиланган тартибда ўз фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт. Аудиторлик ташкилоти томонидан ушбу банднинг талабларига номувофиклик бартараф этилгунга қадар аудиторлик текширувини ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради»;

қуйидаги мазмундаги 26-2-банд билан тўлдирилсин:

«26-2. Аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида эллик фоизи муассислар (иштирокчилар)нинг пул маблағларидан, қолган қисми эса аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган моддий бойликлардан шакллантирилади».

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **БУҒДОЙ, УН, ГУРУЧ ВА НОН-БУЛКА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ ҲОЛЛАРИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 28-сон, 271-модда)

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, республикада ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотларининг муҳим турлари билан барқарор ва кафолатли таъминлашга йўналтирилган шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган текширишлар буғдой, ун, гуруч ва айниқса нон-булка маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш тақиқланишига қарамасдан, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетишга уриниш ҳоллари мавжудлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан олиб чиқиб кетиш ҳоллари устидан назорат ва уларнинг олдини олиш зарур даражада таъминланмаяпти.

Буғдой, ун, гуруч ва айниқса нон-булка маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш устидан назоратни кучайтириш ва олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ижтимоий аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетишни тақиқлайдиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони талабларининг сўзсиз бажари-

лиши устидан назоратни кучайтирсинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегаралари бўйича жойлашган чегара ёнидаги темир йўллар ва автомобиль ўтиш жойлари ҳамда айланма йўллар орқали буғдой, ун, гуруч, айниқса нон-булка маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш ҳолларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан қаттиқ тезкор чора-тадбирлар кўрсин;

буғдой, ун, гуруч ва айниқса нон-булка маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар ўн кунда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари буғдой, ун, гуруч ва айниқса нон-булка маҳсулотларини олиб чиқиб кетишга уринган шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига буғдой, ун, гуруч ва айниқса нон-булка маҳсулотларини олиб чиқиб кетаётган шахсларни ўз вақтида қатъий жа-

вобгарликка тортиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирларга сўзсиз риоя қилиниши устидан прокурор назоратини кучайтириш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари радио, телевидение ва матбуотда республика ташқарисига озиқ-овқат товарларининг муҳим турларини олиб чиқиб кетишга уриниш ҳоллари фож қилинишини ҳар томонлама ёритсинлар ҳамда бугдой, ун, гуруч ва айниқса нон-булка маҳсулотларини республика ташқарисига олиб чиқиб кетганлик учун

жавобгарлик тўғрисида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 8 июль  
153-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ**

## **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA DAVRIY BOSMA NAШRLARNI TAPҚATIШ ҚOИДАЛАРИНИ TACДИҚЛАШ TЎГРИСИДА\***

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда  
1826-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 24-25-сон, 240-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ноширлик фаолияти тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги «Вақтли матбуотни тарқатиш корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 418-сон, 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон, 2004 йил 24 ноябрдаги «Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 555-сон ҳамда 2006 йил 11 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан

ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 214-сон қарорларига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинганидан ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.

3. Мазкур қарор амалга киритилган кундан бошлаб Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан 1998 йил 17 июлда ва Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитаси томонидан 1998 йил 28 июлда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида даврий нашрларни тарқатиш қоидалари» (1998 йил 28 август, рўйхат рақами 488) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон алоқа ва  
ахборотлаштириш агентлиги  
Бош директори  
А.АРИПОВ.  
10-8/1493-сон**

**Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлиги  
Бош директори  
Б.АЛИМОВ.  
04-01-сон**

Тошкент ш., 2008 йил 19 май.

\*2008 йил 28 июндан кучга киради.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги,  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
2008 йил 19 майдаги  
10-8/1493, 04-01-сон қарори билан  
TACДИҚЛАНГАН

## **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA DAVRIY BOSMA NAШRLARNI TAPҚATIШ ҚOИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ даврий босма нашрларни тарқатиш қоидаларини белгилайди.

Ушбу Қоидалар даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасидаги фаолиятини амалга ошираётган барча хўжалик юритувчи субъектларга (таҳририятлар, даврий босма нашрларни тарқатувчилар ва обуначиларга) шунингдек, уларнинг таркибий бўлинмаларига тааллуқлидир.

Хорижий давлатларнинг даврий босма нашрларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

### **1-§. УМУМИЙ ҚOИДАЛАР**

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**даврий босма нашрларни етказиб бериш** — даврий босма нашрларни обуначи кўрсатган манзил бўйича етказиб бериш;

**каталог** — Ўзбекистон Республикасида тарқатиладиган даврий босма нашрлар номларининг белгиланган тартибда тузилган рўйхати;

**обуначи** — даврий босма нашрга обуна бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

**тарқатувчи** — таҳририят, шунингдек, таҳририят билан шартномага кўра даврий босма нашрларни обуна бўйича ёки чакана савдо тармоғи орқали тарқатиш хизматларини кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс.

2. Даврий босма нашрларни тарқатиш уларга обуна бўлишни ташкил қилиш йўли билан, шунингдек, чакана

савдо тармоғи орқали амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда даврий босма нашрларнинг электрон шакли ҳам тарқатилиши мумкин.

3. Даврий босма нашрларни тарқатиш бевосита таҳририят томонидан, шунингдек, белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахслар томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган ахборотларни ўз ичига олган даврий босма нашрлар ҳам тарқатиш учун қабул қилинади.

## 2-§. ДАВРИЙ БОСМА НАШРЛАРНИ ОБУНА БЎЙИЧА ТАРҚАТИШ ТАРТИБИ

5. Обуна бўйича даврий босма нашрлар варақчали ва манзилли тизим бўйича тарқатилади.

6. Варақчали тизим бўйича тарқатишда даврий босма нашрлар тарқатувчи томонидан обуначиларнинг манзиллари бўйича кейинги саралаш ва етказиб бериш учун ишлов бериш оралиқ пунктларига юборилади.

7. Манзилли тизим бўйича тарқатишда даврий босма нашрлар тарқатувчи томонидан бевосита обуначилар манзиллари бўйича тарқатилади.

8. Таҳририятлар тарқатувчилар билан улар томонидан босиб чиқариладиган даврий босма нашрларни тарқатиш бўйича шартнома тузадилар. Шартномада даврий босма нашрларни тарқатиш тартиби ва шартлари, босмадан чиқариш жадвали белгиланади, томонлар мажбуриятлари ва низоли масалаларни ҳал қилиш тартиби келишиб олинади.

9. Обуна шартлари (ҳажми, даврий босма нашрнинг формати, босиб чиқариш даврийлиги, обуна даври) таҳририят томонидан белгиланади.

10. Обунани ўтказиш тартиби (обунани қабул қилиш ва даврий босма нашрларга буюртмаларни тақдим этиш муддатлари, обунани қабул қилиш жойлари, тарқатиш ҳудуди, обунани ҳужжатлаштириш) тарқатувчилар томонидан белгиланади.

11. Даврий босма нашрларга обуна ўтказиш шартлари ва тартиби аҳолига маълумот учун таҳририятлар ва тарқатувчилар томонидан оммавий ахборот воситалари орқали, реклама ва бошқа усуллар ёрдамида етказилади.

12. Обуначи нақд пул тўлаш ёки пул ўтказиш йўли билан даврий босма нашрларга обуна бўлиши мумкин.

13. Тарқатувчи каталогларни нашр қилади ва уларга киритилган даврий босма нашрларга обуна қабул қилинишини амалга оширади.

Каталогда даврий босма нашрнинг номи ва индекси, телефон рақами, даврий босма нашрнинг нархи, босмадан чиқиш даврийлиги, обуна даври ва бошқа ахборотлар кўрсатилади.

Каталог қоғоз ва электрон кўринишда нашр қилиниши мумкин.

14. Обуначи учун қулай бўлган обунани қабул қилиш жойларида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- а) тарқатувчининг номи, унинг жойлашган жойи (юридик манзили, телефон рақами ва бошқалар);
- б) иш тартиби;
- в) даврий босма нашрлар каталоглари;
- г) обунани қабул қилиш пунктларининг иш вақти;
- д) обуна бўлиш даври;
- е) обунани амалга ошириш тартиби, шартлари ва нархлари;
- ж) қўшимча кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг тарифлари;
- з) обуна ҳужжатларини тўлдириш намуналари;
- и) бошқа зарур маълумотлар.

15. Барча ахборот обуначиларга маълумот учун аниқ ва қулай шаклда етказилиши лозим.

16. Обунани расмийлаштиришда белгиланган намунадаги обуна ҳужжати обуна шартларига мувофиқ тушунарли ва қисқартиришларсиз тўлдирилади.

17. Обуначи томонидан даврий босма нашрларни етказиб бериш манзили нотўғри кўрсатилган бўлса, тарқатувчи жавобгар ҳисобланмайди.

18. Обуна расмийлаштирилганлигининг тасдиғи сифатида обуначига даврий босма нашрнинг номи, обуна даври ва нархи, даврий босма нашр етказиб берилиши керак бўлган манзил, обуначининг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек тарқатувчининг рекузитларидан иборат бўлган обуна ҳужжати берилади.

19. Обуна навбатдаги обуна давридан бошлаб каталогда кўрсатилган обуна муддатига ёки унинг бир қисмига расмийлаштирилиши мумкин.

20. Даврий босма нашрлар обуначи томонидан бошқа манзилга қайта манзилланиши мумкин. Қайта манзиллаш учун обуначи томонидан тарқатувчига обуна расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи обуна ҳужжати тақдим этилади. Бундай ҳужжат йўқолган бўлса обуначининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.

Расмийлаштириш тартиби ва қайта манзиллаш муддатлари тарқатувчи томонидан белгиланади.

21. Даврий босма нашрларни нашрдан чиқариш тўхтатилганда ёки обуначининг аризаси бўйича обуна бекор қилиниши мумкин. Бунда обуначига обуна нархи ва қабул қилинган даврий босма нашрлар ўртасидаги фарқи тарқатувчи томонидан бажарилган хизматларни қоплаш харажатлари ҳисобга олинган ҳолда тўланади.

22. Обуна бекор қилинганда обуна учун тўланган тўлов обуначига тарқатувчи томонидан қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

а) обуначининг обунани бекор қилиш тўғрисидаги аризаси бўйича — ариза берилган кундан бошлаб беш кун мобайнида;

б) даврий босма нашрни босмадан чиқариш тўхтатилганда — таҳририятдан ахборот олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида.

23. Обуначига даврий босма нашрлар етказиб берилмаган бўлса, у ҳолда обуначи томонидан тарқатувчига ариза берилади ва обуна қабул қилинганлиги ёки қайта манзилланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади. Бунда обуначининг аризаси ушбу Қоида-нинг 34 ва 35-бандларида белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

## 3-§. ДАВРИЙ БОСМА НАШРЛАРНИ ЧАКАНА САВДО ОРҚАЛИ ТАРҚАТИШ

24. Рўйхатдан ўтказилган даврий босма нашрларни чакана савдо орқали, шу жумладан қўлда сотиш нашрлар таҳририятларининг штатдаги тарқатувчилари томонидан ёки савдо тармоғига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилади.

25. Даврий босма нашрларнинг навбатдаги сонлари сотувга келиб тушганлиги тўғрисида харидорларни хабардор қилиш учун даврий босма нашрларнинг янги сонлари кўринадиган жойда ҳамма кўриши учун чиқариб қўйилади.

26. Чакана савдо тармоғидан яширин полиграфик нуқсонлари бўлган даврий босма нашрлар сотиб олинганда, бундай даврий босма нашрлар жойида алмаштирилиши лозим.

Даврий босма нашрларни алмаштириб бериш имкони бўлмаганда харидорга даврий босма нашр учун тўланган тўлов қайтариб берилади.

27. Даврий босма нашрларнинг чакана савдосини

амалга оширадиган тарқатувчилар даврий босма нашрларнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлишлари шарт.

#### 4-§. ТАҲРИРИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

28. Таҳририят қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда обуна бекор қилиш;
  - б) даврий босма нашрларни тайёрлаш ва чиқаришга буюртма қабул қилиш;
  - в) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга.
29. Таҳририят қуйидагиларга мажбур:
- а) обуна бошлангунга қадар тарқатувчи ва обуначига даврий босма нашр тўғрисида аниқ ахборотни тақдим этиш;
  - б) даврий босма нашрнинг навбатдаги сонини чиқариш кечикканлиги ёки унинг ҳажми ўзгарганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида хабар қилиш, шунингдек бу ҳақда тарқатувчини ҳам хабардор қилиш;
  - в) полиграфик нуқсонга эга бўлган даврий босма нашрлар нусхаларини алмаштириш шартлари ва тартибини ўзи ёки тарқатувчи орқали ўз ҳисобидан обуначига маълум қилиши, шунингдек стандарт тўпламлардаги етишмаётган нусхалар ўрнининг тўлдирилишини таъминлаши;
  - г) даврий босма нашрларнинг барча сонларини обунанинг бутун даври учун каталогда кўрсатилган даврийликка мувофиқ босиб чиқаришни таъминлаш;
  - д) даврий босма нашрларни босмадан чиқаришни тўхтатиш бўйича қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичида тарқатувчига тўланган тўловларни қайтариш;
  - е) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

#### 5-§. ТАРҚАТУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

30. Тарқатувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) таҳририят билан даврий босма нашрларни обуна бўйича ёки чакана савдо орқали тарқатиш учун шартнома тузаётганда тарқатувчининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини талаб қилиш;
  - б) обунани қабул қилиш ва даврий босма нашрларнинг чакана савдосини амалга ошириш жойларининг иш тартибини белгилаш;
  - в) обуначининг розилиги билан алоҳида тўлов эвазига қўшимча хизматлар кўрсатиш (даврий босма нашрларни сақлаш, обуна бўйича даврий босма нашрларни қайта манзиллаш ва бошқалар).
31. Тарқатувчи қуйидагиларга мажбур:
- а) аҳолини тарқатувчиларнинг савдо нуқталари ва обунани қабул қилиш жойларининг иш тартиби, обуна тартиби ва шартлари, обуна бўйича тарқатиладиган даврий босма нашрларнинг нархлари тўғрисида хабардор қилиш;
  - б) даврий босма нашрни белгиланган муддатда обуначига етказиб беришни таъминлаш;
  - в) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда обуначига етказиб берилмаган нусхаларнинг обуна нархини қайтариб бериш ёки худди шундай ёхуд бошқа даврий босма нашр нусхасига алмаштириб бериш;
  - г) обуначига обунанинг расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи обуна ҳужжатини бериш.

#### 6-§. ОБУНАЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

32. Обуначи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) тарқатувчидан ушбу Қоидаларнинг 14-бандида

кўрсатилган маълумотларнинг тақдим этилишини талаб қилиш;

б) навбатдаги обуна ойдан бошлаб бутун обуна даврига ёки унинг бир қисмига, шунингдек муддатини узган ҳолда даврий босма нашрларга обунани расмийлаштириш;

в) обуначи томонидан имзоланган даврий босма нашрни бошқа манзилга қайта манзиллаш;

г) даврий босма нашрларга обунани бекор қилиш;

д) полиграфик нуқсонни бўлган даврий босма нашрларни олганда, даврий босма нашрнинг тегишли сонини олмаганда, шунингдек, таҳририят ёки тарқатувчининг айби билан даврий босма нашрларни етказиб беришнинг муддатларига риоя қилинмаганда, таҳририят ёки тарқатувчига мурожаат қилиш ҳамда ўз хоҳишига биноан нуқсонсиз даврий босма нашрнинг тегишли нусхасига ёхуд бошқа даврий босма нашрнинг нусхасига алмаштириш, шунингдек, даврий босма нашр ушбу нусхасининг обуна ҳақини қайтаришни талаб қилиш;

е) қўшимча хизматлар учун тўлов тўлашни рад этиш, агар улар тўланган бўлса, унинг розилигисиз кўрсатилган қўшимча хизматлар учун тўланган тўловларнинг қайтарилишини тарқатувчидан талаб қилиш;

ж) даъво билан ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш.

Обуначи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

33. Обуначи обуна ҳужжатларини тўлдириш бўйича тарқатувчи томонидан белгиланган талабларга амал қилиши шарт.

34. Даврий босма нашрларни етказиб бериш муддатларига нисбатан камчиликлар обуначи талаб қилган кундан бошлаб 20 кун давомида (агар шартномада бундан камроқ муддат белгиланмаган бўлса) тарқатувчи томонидан бартараф этилиши керак.

Камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган ҳолларда тарқатувчи обуначига қонун ҳужжатларига мувофиқ неустойка (пеня) тўловини тўлайди.

35. Обуначининг полиграфик нуқсонга эга бўлган ёки товар кўринишини йўқотган даврий босма нашрларнинг тарқатилиши бўйича мурожаати етти кун муддатда, агар мурожаат бўйича қўшимча текшириш лозим бўлса, мурожаат берилган вақтдан бошлаб 20 кун муддатда қаноатлантирилиши керак.

Агар даврий босма нашр обуначининг айби билан товар кўринишини йўқотганлиги исбот қилинса, обуначининг талаблари қаноатлантирилмайди.

36. Обуначининг барча мурожаатлари обуначи томонидан обуна қабул қилинганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда кўриб чиқилади. Обуначининг ишончли вакили мурожаат қилганда эса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома тақдим этилиши лозим.

#### 7-§. ТАҲРИРИЯТ ВА ТАРҚАТУВЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

37. Таҳририят ва тарқатувчининг жавобгарлиги улар ўртасида тузиладиган шартномаларда белгиланади.

38. Таҳририят қуйидагилар учун жавобгар:

- а) даврий босма нашрнинг навбатдаги сони чиқишининг кечикканлиги;
- б) даврий босма нашр тўғрисидаги ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилмаганлиги;
- в) даврий босма нашрларга эълон қилинган обунанинг тугатилганлиги.

Таҳририятлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа жавобгарликка ҳам эгадирлар.

39. Тарқатувчи қуйидагилар учун жавобгар:

- а) обунани қабул қилиш қоидаларини бузганлиги;

б) товар кўринишини йўқотган даврий босма нашрларни сотганлиги (агар обуначининг даврий босма нашрни олгунга қадар бундай камчиликлар пайдо бўлганлиги исботланса);

в) полиграфик нуқсонга эга даврий босма нашрларни тарқатганлиги;

г) обуна хужжатларидаги обуначилар тўғрисидаги шахсий маълумотларни учинчи шахсга ошкор қилганлиги;

д) даврий босма нашрни етказиб бериш муддатларини бузганлиги;

е) мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини бузганлиги.

40. Даврий босма нашрларни обуна бўйича ва чакана савдо орқали тарқатиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

**Монополиядан чиқариш,  
рақобат ва тадбиркорликни  
қўллаб-қувватлаш давлат  
қўмитаси раиси в.б.  
Б.УЛАШОВ.**

Тошкент ш., 2008 йил 12 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҲЙРУҒИ

### **БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда  
1828-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(«Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2008 йил, 24-25-сон, 242-модда)

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Илова қилинаётган Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низом (янги таҳрирда) тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 21 декабрда 100-сон буйруқ билан тас-

диқланган Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низом (1999 йил 23 декабрь, рўйхат рақами 859) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.

**Молия вазири  
Р.АЗИМОВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 6 май  
48-сон.

\*2008 йил 28 июндан кучга киради.

Молия вазирининг  
2008 йил 6 майдаги 48-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### **БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ (ЯНГИ ТАҲРИРДА)**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлар тўплами, 1999 й., 9-сон, 51-модда) асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ташкилотлар ва муассасаларнинг (бундан кейинги ўринларда бюджет ташкилоти деб юритилади) даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

#### **I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом билан бюджет ташкилотларининг қуйидаги даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши тартибга солинади:

бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича;

тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича;  
таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича;  
бошқа махсус маблағлар бўйича;

2. Юридик шахс мақомини олган бюджет ташкилотлари банкларда (Молия вазирлигининг Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида) белгиланган тартибда қуйидаги ҳисобварақларни (шахсий ҳисобварақларни) очадилар:

а) банкларда:  
бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи (Фазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари орқали хизмат кўрсатилмаётган бюджет ташкилотлари учун);

бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақлари;  
қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳисобварақлар.

б) Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш Қоидаларида (2007 йил 5 декабрь, рўйхат рақами 1746 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 48-49-сон, 495-модда) кўрсатилган Молия вазирлигининг Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида Давлат бюджетининг харажатлар таснифи бўлимлари, боблари ва параграфлари бўйича шахсий ҳисобварақлар (республика ва ҳудудий газна ҳисобварақлари орқали хизмат кўрсатилаётган бюджет ташкилотлари учун).

3. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасининг талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақларидаги йил охирига ишлатилмай қолган қолдиқ маблағлари кейинги йилга ўтказилади.

4. Бюджет ташкилотининг негизида янги бюджет ташкилоти ташкил қилинса, у ҳолда бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлар янги ташкил этилган бюджет ташкилотининг тегишли ҳисобварақларига ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

5. Тугатилган бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлар белгиланган тартибда тегишли бюджет даромадларига ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

## II БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА САРФЛАНИШНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

**1-§. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбалари ва сарфланиш йўналишлари**

6. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси:

Фазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари бўйича — режага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисобрақамларидаги тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

Фазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича — ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Фазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисобварақларидаги тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмалар бўйича харажатларни тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи (мблағларнинг қолган 50 фоизини бюджет ташкилотлари маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказадилар);

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобига шакллантирилади.

7. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари фақат:

биринчи даражада тўланадиган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ва мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга;

бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига;

ижтимоий ривожлантириш ва бюджет ташкилотлари-

нинг ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

8. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг жорий молиявий йил охирига мавжуд қолдиқ маблағлари ўз мақсадли йўналишини йўқотмайди ва келгуси йилда бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий ривожлантириш ва бюджет ташкилотларининг ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига қайта тақсимланмайди.

9. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақларидаги пул маблағларининг ҳаракати бўйича операцияларнинг аналитик ҳисоби 381-сонли шаклдаги жамғарма қайдномасида (3-мемориал ордерда) ва (ёки) 292-шакл «Жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточка)»да юритилади.

**2-§. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳисобварақига тежалган бюджет маблағлари ўтказилишининг бухгалтерия ҳисоби**

10. Бюджет ташкилотлари ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида тежалган бюджет маблағларини Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварақига белгиланган тартибда ўтказадилар.

Бунда қуйидаги маблағлар тежаб қолинган деб ҳисобланмайди ва Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳисобварақига ўтказилмайди:

ҳисобот чораги охириги ойининг иккинчи ярми учун иш ҳақини тўлашга молиялаштирилган маблағлар, депонентлаштирилган иш ҳақи ва стипендиялар, маблағ билан тўлиқ таъминланмаганлик (тўловлар тўлиқ амалга оширилмаганлик) ёки бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинган асосий депозит ҳисобварақига маблағларнинг етишмаслиги сабабли олиб бўлинмаган нафақалар натижасида бўшаб қолган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби»нинг 4-банди билан ўрнатилган ҳисобланган, лекин иккинчи гуруҳ «Иш берувчининг ажратмалари» харажатлари бўйича ўтказилмаган харажатлар натижасида бўшаб қолган маблағлар;

бюджет ташкилотининг тармоқлари, штатлари ва контингентига оид режаларнинг бажарилмаганлиги ёки белгиланган муддатларга нисбатан кечроқ бажарилиши, янги муассасаларнинг очилишини ёки мавжудларининг кенгайтирилишини кечроқ амалга оширилиши натижасида бўшаб қолган маблағлар;

бюджет ташкилотининг функциясини тўхтатилиши (вақтинчалик тўхтатилиши) натижасида бўшаб қолган маблағлар;

бюджет ташкилоти учун тасдиқланган нормативдан ортиқча штат бирликларининг белгиланиши натижасида бўшаб қолган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимиятларининг қабул қилинган айрим қарорларига мувофиқ бўшаб қолган маблағлар.

11. Фазначилик хизматига ўтказилмаган бюджет ташкилотлари бўйича — режага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисобрақамларидаги тежаб қолинган маблағлар қолдиғини ўтказишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

114-«Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақига» субҳи-

собварақ дебети;

090-«Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити ёки 100-«Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити.

12. Ҳазначилик хизматиға ўтказилган бюджет ташкилотлари бўйича — ҳисобот чорагининг сўнги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Ҳазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ҳисобрақамларидаги тежаб қолинган маблағлар қолдигини ўтказишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

114-«Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ дебети;

237-«Ҳазначилик орқали ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирларга амалга оширилган тўловлар» субҳисобварақ кредити.

### 3-§. Товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби

13. Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва сотилиши «Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва сотилиши тартиби»-га (2000 йил 25 январь, рўйхат рақами 880 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 2-сон) мувофиқ тартибга солинади.

14. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан расмийлаштирилади:

а) маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ бевосита ва билвосита моддий харажатлар амалга оширилганда:

08-«Ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун харажатлар» ҳисобварағининг тегишли субҳисобварақлари дебети бўйича;

04-«Асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари, илмий-тадқиқот ишлари учун материаллар ҳамда ишлаб чиқарилган буюмлар ва маҳсулотлар» ҳисобварақ кредити бўйича;

06-«Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» ва бошқа ҳисобварақларнинг тегишли субҳисобварақлари кредити бўйича.

б) келгуси ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган чиқиндиларнинг қийматиға:

04-«Асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари, илмий-тадқиқот ишлари учун материаллар ҳамда ишлаб чиқарилган буюмлар ва маҳсулотлар» ҳисобварақ дебети бўйича;

06-«Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» ва бошқа тегишли ҳисобварақларнинг субҳисобварағи дебети бўйича;

08-«Ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун харажатлар» ҳисобварағининг тегишли субҳисобварағи кредити бўйича.

в) меҳнат ҳақи бўйича бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатлари амалга оширилганда:

08-«Ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун харажатлар» ҳисобварағининг тегишли субҳисобварақлари дебети бўйича;

180-«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашувлар» субҳисобварағи ва бошқа тегишли субҳисобварақлар кредити бўйича.

г) иш ҳақидан олинган ҳисобланган ажратмалар суммалариға:

08-«Ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун хара-

жатлар» ҳисобварағининг тегишли субҳисобварақлари дебети бўйича;

175-«Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар» субҳисобварағининг кредити бўйича.

д) бошқа бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатлари (ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган коммунал хизматлар харажатлари, алоқа хизмати харажатлари ва бошқа харажатлар) суммалариға:

08-«Ишлаб чиқаришга ва бошқа мақсадларга қилинадиган харажатлар» ҳисобварағининг тегишли субҳисобварақлари дебети бўйича;

178-«Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи ва бошқа тегишли субҳисобварақлар кредити бўйича.

15. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар)нинг таннархига киритилмаган, лекин фойдани ҳисоблашда ҳисобга олинмаган харажатлар (давр харажатлари) суммасиға:

410-«Фойда ва зарарлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

160-«Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити (сотиш жараёни билан боғлиқ бўлган хизмат сафари харажатлари суммасиға) бўйича ёки

064-«Ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари» субҳисобварағи (сотиш жараёни билан боғлиқ бўлган ёқилғи-мойлаш материаллари харажатлари суммасиға) ва маҳсулот сотиш ҳамда ишлаб чиқаришни бошқариш харажатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тегишли субҳисобварақлар кредити.

16. Бюджет ташкилоти билан харидор (буюртмачи) ўртасида тузилган шартномаға мувофиқ олдиндан келиб тушган аванс суммасиға:

114-«Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича;

155-«Аванс тўловлари бўйича харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити бўйича.

17. Ишлаб чиқарилган маҳсулот унинг ҳақиқий таннархи бўйича кирим қилинганда:

045-«Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналари буюмлари» субҳисобварағи дебети ёки

046-«Ёрдамчи (ўқув) қишлоқ хўжалигининг маҳсулотлари» субҳисобварағи дебети бўйича;

08-«Ишлаб чиқаришга ва бошқа мақсадларга қилинадиган харажатлар» ҳисобварағининг тегишли субҳисобварақлари кредити бўйича.

18. Ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) шартномада кўрсатилган сотиш қиймати бўйича юқлаб жўнатилганда (топширилганда):

157-«Харидорлар ва буюртмачилар билан етказиб берилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) бўйича ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи дебети бўйича;

28-«Маҳсулотлар (иш, хизматлар) реализацияси» ҳисобварағининг тегишли субҳисобварақлари кредити бўйича.

19. Товарларни етказиб бериш (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш)да илгари олинган аванс суммасиға:

155-«Аванс тўловлариға доир харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи дебети бўйича;

157-«Харидорлар ва буюртмачилар билан етказиб берилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) бўйича ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити бўйича.

20. Ҳақиқий таннарх бўйича маҳсулотлар юқлаб жўнатилганда:

280-«Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналари буюмлари-

ни реализацияси» субҳисобварағи дебети бўйича ёки 281-«Ёрдамчи (ўқув) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализацияси» субҳисобварағи дебети бўйича;

045-«Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналари буюмлари» субҳисобварағи кредити ёки

046-«Ёрдамчи (ўқув) қишлоқ хўжалигининг маҳсулотлари» субҳисобварақлари кредити бўйича.

21. Иш бажарилганда ва хизматлар кўрсатилганда уларнинг ҳақиқий таннархи бўйича:

282-«Шартнома бўйича илмий-тадқиқот ишларини ва бошқа бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматларни реализация қилиш» субҳисобварағи дебети бўйича;

082-«Шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишларига ҳамда бошқа бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга доир харажатлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

22. Харидор (буюртмачи) ва бюджет ташкилоти ўртасида тузилган шартномага мувофиқ қолган қолдиқ сумма келиб тушганда:

114-«Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича;

157-«Харидорлар ва буюртмачилар билан етказиб берилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) бўйича ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити бўйича.

23. Келишилган қиймат ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар)нинг таннархидан юқори бўлиб, ижобий молиявий натижа (фойда) юзага келганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

28-«Маҳсулотлар (иш, хизматлар) реализацияси» ҳисобварағининг тегишли субҳисобварақлари дебети бўйича;

410-«Фойда ва зарарлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

24. Келишилган қиймат ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар)нинг таннархидан паст бўлиб, салбий молиявий натижа (зарар) юзага келганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

410-«Фойда ва зарарлар» субҳисобварақлари дебети бўйича;

28-«Маҳсулотлар (иш, хизматлар) реализацияси» ҳисобварағининг тегишли субҳисобварақлари кредити бўйича.

25. Харидорлар (буюртмачилар)дан келиб тушган маблағлар доирасида (ушбу маҳсулот бўйича юзага келган дебиторлик қарзни ҳисобга олган ҳолда) ҳисобот йили мобайнида аниқланган молиявий натижа (фойда) 400-«Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағига олинади ва бу ҳисобда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

410-«Фойда ва зарарлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

400-«Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварақлари кредити бўйича.

26. Ҳисобот йилининг охирида аниқланган молиявий натижа (зарар) ҳисобига 400-«Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағидаги даромадлар суммаси камайтирилади ва бу ҳисобда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

400-«Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварақлари дебети бўйича;

410-«Фойда ва зарарлар» субҳисобварақлари кредити бўйича.

27. Ушбу 400-«Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағи кредити (дебети) ҳисобига ёзилган суммалар бюджет ташкилотининг яратилган қўшимча даромад (илгари яратилган қўшимча даромадларни камайтириш) суммасини билдиради ва бюджет

ташкilotи томонидан топшириладиган чораклик Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботида (кейинги ўринларда — 2-РЖ ҳисоботи деб юритилади) даромад (ёки даромадни камайтириш) сифатида акс эттирилади.

28. Маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар бажариш ва хизматлар бажариш) бўйича операцияларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар) тури бўйича алоҳида ҳолда юритилиши лозим.

**4-§. Вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни ижарага беришдан ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган ҳомийлик (беғараз) ёрдам ҳисобидан келиб тушган тушумларнинг бухгалтерия ҳисоби**

29. Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкларини бошқа ташкилотларга ижарага бериш «Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкларини бошқа корхоналар ва ташкилотларга ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом»га (2000 йил 7 январь, рўйхат рақами 869 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 1-сон; 2001 й., 17-сон) мувофиқ тартибга солинади.

30. Ўзаро тузилган ижара шартномасида белгиланган сумманинг ҳар ойга (чоракка) тўғри келадиган суммаси миқдорига (ҳар ойда ёки чоракда):

178-«Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақлар дебети бўйича;

401-«Ҳисобланган, лекин ҳисобрақамга тушмаган даромадлар» субҳисобварақлар кредити бўйича.

31. Ижара учун маблағ келиб тушганда:

114-«Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ дебети бўйича;

178-«Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақ кредити бўйича.

Бир вақтнинг ўзида тушган маблағнинг 50 фоизи тегишли бюджетга ажратма қилинганда:

401-«Ҳисобланган, лекин ҳисобвараққа тушмаган даромадлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

173-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақ кредити бўйича.

Тушган маблағнинг қолган 50 фоизи бюджет ташкилотининг даромадига олинганда:

401-«Ҳисобланган, лекин ҳисобрақамга тушмаган даромадлар» субҳисобварақ дебети бўйича;

400-«Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварақ кредити бўйича.

32. Бюджетга ҳисобланган сумма ўтказиб берилганда:

173-«Бюджет билан ҳисоблашувлар» субҳисобварақ дебети бўйича;

114-«Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити бўйича.

33. Бунда, 400-«Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварақ кредити ҳисобига ёзилган суммалар бюджет ташкилотининг вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкларини бошқа ташкилотларга ижарага бериш ҳисобига яратган қўшимча даромади суммасини билдиради ва бюджет ташкилоти томонидан топшириладиган чораклик 2-РЖ ҳисоботида тушум сифатида акс эттирилади.

34. Бюджет ташкилотига юридик ва жисмоний шах-

слар томонидан (нақд пулсиз ҳисоб-китоблар йўли билан) берилган ҳомийлик (беғараз) ёрдам ҳисоби куйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

114-«Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ бўйича;

400-«Бюджетдан ташқари даромадлар (тушумлар)» субҳисобварақ кредити бўйича.

35. Мазкур маблағлар бюджет ташкилоти томонидан топшириладиган чораклик 2-РЖ ҳисоботида тушум сифатида акс эттирилади.

#### **5-§. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфланишининг бухгалтерия ҳисоби**

36. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги мавжуд маблағлар биринчи навбатда биринчи даражада тўланадиган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган мавжуд кредиторлик қарзлар тўлови харажатларига сарфланади.

37. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш бўйича операциялар куйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан расмийлаштирилади:

а) Жамғарма маблағлари ҳисобига вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ҳисобланганда:

215-«Бюджетдан ташқари Жамғармалар ҳисобига харажатлар» субҳисобварақ дебети бўйича;

171-«Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси» субҳисобварақ кредити бўйича.

б) бюджет ташкилоти кассасига вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш учун белгиланган тартибда нақд пул маблағлари олинганда:

120-«Касса» субҳисобварақ дебети бўйича;

114-«Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити бўйича.

в) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланганда:

171-«Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси» субҳисобварақ дебети бўйича;

120-«Касса» субҳисобварақ кредити бўйича.

38. Харажатларнинг бюджет маблағлари бўйича юзага келган кредиторлик қарзлар тўланганда:

178-«Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақ ёки бошқа тегишли субҳисобварақлар дебети бўйича;

114-«Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити бўйича.

39. Бюджет ташкилотининг талаб қилиб олингунча депозит (республика ва ҳудудий ғазна) ҳисобварағида (шахсий ҳисобварағида) маблағлар етарли даражада мавжуд бўлмаганда, ушбу харажатлар, кейинчалик бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи (шахсий ҳисобварағи)дан тиклаш шarti билан, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Бунда куйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

178-«Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақ (ёки бошқа тегишли субҳисобварақлар) дебети бўйича;

114-«Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан та-

шқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити бўйича.

40. Бюджет ташкилотининг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига (шахсий ҳисобварағига) маблағлар келиб тушгандан кейин, илгари Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан ўтказилган суммаларга тенг бўлган маблағлар Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қайтарилади. Бунда куйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

114-«Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ дебети бўйича;

090-«Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити бўйича;

100-«Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварақ кредити бўйича ёки

237-«Ғазначилик орқали ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун амалга оширилган тўловлар» субҳисобварақ кредити бўйича.

41. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи ва бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харажатлар бўйича кредиторлик қарзларини тўлашга маблағларни ўтказиш учун тўлов топшириқномаларининг «тўлов мақсади» сатрида «Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар бўйича кредиторлик қарз тўлови суммаси ўтказилади» ёзувини қайд қилиш лозим.

42. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи маблағлари ҳисобига бюджет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ҳақиқий харажатлар йил мобайнида 215-«Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига харажатлар» субҳисобварақ дебетида акс эттирилади.

43. Ҳисобот йилининг охирида 215-«Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан харажатлар» субҳисобварағи дебетида акс эттирилган ҳақиқий харажатлар якуний ўтказмалар билан 400-«Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағи билан ёпилади.

44. Бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган ҳақиқий харажатлар тасдиқланган бюджет лимити суммасидан ошиб кетган тақдирда, ошиб кетган сумма Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланади. Якуний ўтказмаларда 200-«Муассасаларни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун бюджет бўйича харажатлар» субҳисобварағи бўйича (Ғазначилик хизматига ўтказилган ташкилотлар бўйича 206-«Ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирларга бюджетдан қилинган ҳақиқий харажатлар» субҳисобварағи бўйича) лимитдан ошиб кетган ҳақиқий харажатлар суммаси 400-«Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағига ўтказилади.

45. Агар 215-«Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан харажатлар» субҳисобварағи дебетида ҳисобда турган маблағлар бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харажатлар бўйича иқтисод қилинган маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобига 400-«Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағи кредитида ҳисобда турган маблағлар суммасидан ошиб

кетса, ушбу ошган сумма 140-«Муассаса харажатларига доир ҳисоб-китоблар» ёки 230-«Бюджет томонидан муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни молиялаштириш» (Фазначилик хизматига ўтказилган ташкилотлар бўйича 237-«Фазначилик орқали ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун амалга оширилган тўловлар» субҳисобварағи) субҳисобварақларига ўтказилади.

### **III БОБ. ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА САРФЛАНИШНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

46. Куйидагилар Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг шаклланиш манбалари ҳисобланади:

тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисми;

ҳомийлик ва донорлик ташкилотларидан ҳамда пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

тиббиёт ходимларининг меҳнат ҳақини тўлаш учун мўлжалланган бюджет маблағларидан тежалган маблағлар.

47. Тиббиёт муассасалари Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари сарфланишини икки мустақил йўналиш бўйича алоҳида ҳисобини юритадилар:

тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантиришга;

тиббиёт муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлашга.

48. Тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисми ҳар бир тиббиёт муассасасини сақланиши учун харажатлар сметасида Давлат бюджети харажатлари иқтисодий таснифининг 01-9-10-«Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантиришга харажатлар» моддасида кўзда тутилади.

49. Фазначилик хизматига ўтказилмаган тиббиёт муассасалари бўйича — тиббиёт муассасаси учун ажратилган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисми муассасанинг бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча ҳисобварағига келиб тушганда:

090-«Республика бюджетидан молиялаштирилдиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи дебетланади;

140-«Муассаса харажатларига доир ҳисоб-китоблар» ёки 230-«Бюджет томонидан муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни молиялаштириш» субҳисобварақлари кредитланади.

50. Тиббиёт муассасаси учун ажратилган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисмини (ҳар ойда), шунингдек меҳнат ҳақи тўловига мўлжалланган бюджет маблағларидан тежалган (чорак бўйича) маблағлар Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига ўтказилишида куйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади (ҳар иккала ҳисобвараққа ўтказилган маблағлар учун алоҳида бухгалтерия ўтказмаси берилади):

114-«Бюджет ташкилотларини (тиббиёт муассасаларини) ривожлантириш жамғармасининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича;

090-«Республика бюджетидан молиялаштирилдиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи кредити бўйича ёки

100-«Маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилдиган бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи кредити бўйича.

51. Фазначилик хизматига ўтказилган тиббиёт муассасалари бўйича — тиббиёт муассасаси учун ажратилдиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисмини (ҳар ойда), шунингдек меҳнат ҳақи тўловига мўлжалланган бюджет маблағларидан тежалган (чорак бўйича) маблағлар Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига ўтказилишида куйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади (ҳар иккала ҳисобвараққа ўтказилган маблағлар учун алоҳида ўтказма берилади):

114-«Бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича;

237-«Фазначилик орқали ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун амалга оширилган тўловлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

52. Товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан (жумладан, даволаш-профилактика муассасаларининг пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишидан) тушган маблағларнинг бухгалтерия ҳисоби ушбу Низомнинг 13—26-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

53. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тиббиёт муассасалари томонидан амалга оширилдиган ҳақиқий харажатлар йил мобайнида 215-«Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига харажатлар» субҳисобварағи дебети бўйича белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

54. Ҳисобот йилининг охирида 215-«Бюджетдан ташқари Жамғармалар ҳисобидан харажатлар» актив субҳисобварағи бўйича ҳисобда турган ҳақиқий харажатлар суммалари якуний ўтказмалар билан 400-«Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағига ўтказилади.

55. Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилдиган ҳақиқий харажатлар тасдиқланган бюджет лимити суммасидан ошиб кетган тақдирда, ошиб кетган сумма Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланади. Якуний ўтказмаларда 200-«Муассасаларни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун бюджет бўйича харажатлар» субҳисобварағи бўйича лимитдан ошиб кетган ҳақиқий харажат суммаси (Фазначилик хизматига ўтказилган ташкилотлар бўйича 206-«Ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирларга бюджетдан қилинган ҳақиқий харажатлар») актив субҳисобварағи бўйича 400-«Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағига ўтказилади.

215-«Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан харажатлар» субҳисобварағи дебетида ҳисобда турган маблағлар бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилдиган харажатлар бўйича иқтисод қилинган маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобига 400-«Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субҳисобварағи кредитида ҳисобда турган маблағлар суммасидан ошиб кетса, ушбу ошган сумма 140-«Муассаса харажатларига доир ҳисоб-китоблар» ёки 230-«Бюджет томонидан муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни молиялаштириш» субҳисобварақларига (Фазначилик хизматига ўтказилган ташкилотлар бўйича 237-«Фазначилик орқали ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирларга амалга оширилган тўловлар» субҳисобварағи) ўтказилади.

56. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши Тиббиёт муассасасини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича

даромад ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот (2-ТММРРЖ шакл)да белгиланган тартибда акс эттирилади.

#### **IV БОБ. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ ШАКЛИДАН ТУШГАН ТУШУМЛАРНИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

57. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

58. Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича маблағлар келиб тушганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

110-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи ва топшириққа асосан ишлатиладиган суммаларнинг жорий ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича;

402-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

59. Ушбу маблағлар ҳисобидан ҳақиқий харажатлар амалга оширилганда:

212-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича харажатлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

178-«Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи ва бошқа тегишли субҳисобварақлар кредити бўйича.

60. Мазкур харажатлар учун тўловлар амалга оширилганда:

178-«Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи ва бошқа тегишли субҳисобварақлар дебети бўйича;

110-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи ва топшириққа асосан ишлатиладиган суммаларнинг жорий ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича.

61. Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар йил мобайнида 212-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича харажатлар» субҳисобварағи дебетига йиғилиб, ҳисобот йили охирида 402-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субҳисобварағи дебетига ўтказиш йўли билан ёпилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

402-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

212-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича харажатлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

62. Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумларининг аналитик ҳисоби талабаларнинг курслари (босқичлари), факультетлар (деканатлар, ўқиш йўналишлари), гуруҳлар, шунингдек талабалар (фамилияси, исми, отасининг исми) бўйича алоҳида тарзда юритилади.

#### **V БОБ. БОШҚА МАХСУС МАБЛАҒЛАРНИНГ ТУШУМЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ХАРАЖАТ- ЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

63. Бюджет ташкилотларининг махсус маблағлари бўйича бошқа тушумларга қуйидагилар киради:

иккиламчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар;

кераксиз ва эскирган моддий қимматликларни (бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олинганларини) сотишдан тушган тушумлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар.

64. Бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича махсус ҳисобварағига бошқа махсус маблағлар келиб тушганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

111-«Бюджет ташкилотининг бошқа бюджетдан ташқари махсус маблағлар бўйича депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи дебети бўйича;

240-«Бюджетдан ташқари махсус маблағлар жамғармаси» субҳисобварағи кредити бўйича.

65. Ушбу маблағлар ҳисобидан ҳақиқий харажатлар амалга оширилганда:

211-«Бюджетдан ташқари махсус маблағлар бўйича харажатлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

178-«Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи ва бошқа тегишли субҳисобварақлар кредити бўйича.

66. Ушбу харажатлар бюджетдан ташқари маблағлар бўйича махсус депозит ҳисобварағи ҳисобидан тўланганда:

178-«Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи ва бошқа тегишли субҳисобварақлар дебети бўйича;

111-«Бюджет ташкилотининг бошқа бюджетдан ташқари махсус маблағлар бўйича депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи кредити бўйича.

67. Келиб тушган бошқа махсус маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобот йилининг охирида ҳисобдан чиқарилганда:

240-«Бюджетдан ташқари махсус маблағлар жамғармаси» субҳисобварағи дебети бўйича;

211-«Бюджетдан ташқари махсус маблағлар бўйича харажатлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

68. Бошқа тушумлар бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир тушум тури бўйича алоҳида тарзда юритилади.

#### **VI БОБ. ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

69. Чет эл валютасидаги операциялар, жумладан кассадаги, банклардаги депозит ҳисобварақлардаги валюта маблағлари, аккредитивлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, тузилган шартномалар бўйича четдан келтирилган товар-моддий бойликлар ва бошқа активларни Божхона юк декларациясини расмийлаштириш санасида кирим қилиш, чет эл валютасида божхона тўловларини амалга ошириш ҳамда чет эл валютасидаги пул ҳужжатлари бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида улар амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўм эквивалентида акс эттирилади.

70. Бюджет ташкилотлари баланс моддалари бўйича чет эл валютасини ҳар ҳисобот чорагининг охирига санаси ва операцияларни амалга ошириш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта баҳолашни амалга оширадilar.

71. Нақд пул кўринишидаги чет эл валютасидаги операциялар бюджет ташкилотлари томонидан алоҳида «Касса дафтари» (КО-4 ёки 440-шакл)да юритилади.

72. Чет эл валютасида маҳсулотларни (базарган иш, кўрсатган хизматларини) сотиш бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби 114-«Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи» субҳисобварағи ўрнига 118-«Валюта

ҳисобварағи» субҳисобварағи қўллаган ҳолда ушбу Низомнинг 13—26-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

73. Чет эл валютаси курси қийматининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган сўмга нисбатан ўзгарилиши (пасайиши ёки кўтарилиши)га кўра, чет эл валютасида ифодаланган операциялар, активлар ва мажбуриятларни сўмга нисбатан қайта ҳисоблашда ижобий ёки салбий курс фарқлари юзага келади.

74. Чет эл валютаси курси қийматининг сўмга нисбатан ўзгариши (кўтарилиши)да ижобий курс фарқи юзага келади ва бу ҳисобда 118 ёки ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш бўйича бошқа субҳисобварақлар дебети бўйича ҳамда, амалга оширилган операциялар мазмунидан келиб чиққан ҳолда, 240, 400, 401, 410-субҳисобварақларнинг кредити бўйича акс эттирилади.

75. Чет эл валютаси курси қийматининг сўмга нисбатан ўзгариши (пасайиши)да салбий курс фарқи юзага келади ва бу ҳисобда ушбу Низомнинг 74-бандида кўрсатилган бухгалтерия ўтказмасининг акси билан акс эттирилади.

76. Чет эл валютасидаги маблағларнинг синтетик ҳисоби 381 жамғарма (3 мемориал ордерда) қайдномасида, чет эл валютасидаги операцияларнинг аналитик ҳисоби 292-«Жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар китоби (карточкаси)» шаклида валютанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида тарзда юритилади.

#### **VII БОБ. СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

77. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сонли қарорига мувофиқ қўшимча даромадлар оладиган бюджет ташкилотлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиқларнинг барча турлари ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ва Молия вазирлиги қошидаги Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловларидан, бўшаб қолган маблағлар бюджет ташкилотларининг моддий техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлашга, шунингдек ўз ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилган тарзда, озод қилинган.

78. Бюджет ташкилотлари томонидан қўшимча олинган даромадларга солиқлар ҳисобланиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

410-«Фойда ва зарарлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

173-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити бўйича.

79. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сотилган маҳсулот (бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат)лар ҳажмидан ажратмалар ҳисобланишида:

410-«Фойда ва зарарлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

198/2-«Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити бўйича.

80. Бюджетдан ташқари бошқа мақсадли жамғармаларга (Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ва бошқаларга) ажратмалар ҳисобланишида:

410-«Фойда ва зарарлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

199-«Бюджетдан ташқари бошқа мақсадли жамғар-

малар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи кредити бўйича.

81. Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммалари қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

173-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварағи дебети бўйича;

198/2-«Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақлари;

199-«Бюджетдан ташқари бошқа мақсадли жамғармалар билан ҳисоб-китоблар» субҳисобварақлари дебети;

420-«Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

82. Берилган имтиёзлар суммалари ҳисобига йил мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатлар 218-«Солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёз суммалари ҳисобига харажатлар» субҳисобварағи дебетига йил мобайнида йиғилиб, йилнинг охирида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳисобдан чиқарилади:

420-«Бюджетга ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар» субҳисобварағи дебети бўйича;

218-«Солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёз суммалари ҳисобига харажатлар» субҳисобварағи кредити бўйича.

83. 420-«Бюджетга ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар» субҳисобварағи кредитида акс эттирилган суммалар 2-РЖ ҳисоботида даромад сифатида кўрсатилади, шунингдек ҳисобот йилининг охирида қолган қолдиқ миқдори келаси йил учун берилган имтиёзлар суммалари ҳисобига ишлатилиши мумкин бўлган суммани билдиради.

#### **VIII БОБ. ҲИСОБОТ ВА НАЗОРАТ**

84. Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ягона баланс тузадилар.

85. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилади.

86. Бюджет ташкилотининг раҳбари бюджетдан ташқари маблағларнинг тақсимловчиси ҳисобланади ҳамда мазкур маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш учун жавобгардир.

87. Бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар тасдиқланган бюджет лимити суммасидан ошиб кетиши учун жавобгарлик бюджет ташкилоти раҳбари ва бош ҳисобчиси зиммаларига юклатилади.

88. Бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси, унинг ҳудудий бошқармалари ва жойлардаги молия органлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

#### **IX БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДА**

89. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси  
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси  
Б.ПАРПИЕВ.**

Тошкент., 2008 йил 6 май.

**2008 ЙИЛ II ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА  
«НОРМА МАСЛАҲАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН  
МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ**

<i>Меъёрий ҳужжатнинг номи</i>	<i>Санаси, рўйхат рақами</i>	<i>Газета соҳи</i>
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ</b>		
Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида	2008 йил 4 апрель, ЎРҚ-140-сон	16-сон «Норма маслаҳатчи»
Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида	2008 йил 7 апрель, ЎРҚ-141-сон	16-сон «Норма маслаҳатчи»
Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида	2008 йил 7 апрель, ЎРҚ-142-сон	16-сон «Норма маслаҳатчи»
Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида	2008 йил 7 апрель, ЎРҚ-143-сон	16-сон «Норма маслаҳатчи»
Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида	2008 йил 8 апрель, ЎРҚ-144-сон	16-сон «Норма маслаҳатчи»
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2008 йил 8 апрель, ЎРҚ-145-сон	16-сон «Норма маслаҳатчи»
«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2008 йил 9 апрель, ЎРҚ-147-сон	16-сон «Норма маслаҳатчи»
«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида	2008 йил 9 апрель, ЎРҚ-148-сон	16-сон «Норма маслаҳатчи»
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238 <sup>2</sup> -моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида	2008 йил 9 апрель, ЎРҚ-149-сон	16-сон «Норма маслаҳатчи»
«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида	2008 йил 10 апрель, ЎРҚ-150-сон	17-сон «Норма маслаҳатчи»
Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2008 йил 10 апрель, ЎРҚ-151-сон	17-сон «Норма маслаҳатчи»
Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида	2008 йил 21 апрель, ЎРҚ-155-сон	20-сон «Норма маслаҳатчи»
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ</b>		
Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида	2008 йил 28 март	14-сон «Норма маслаҳатчи»
Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида	2008 йил 28 март	14-сон «Норма маслаҳатчи»
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ</b>		
Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида	2008 йил 28 март, ПФ-3982-сон	17-сон «Норма маслаҳатчи»
Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2008 йил 1 апрель, ПФ-3983-сон	17-сон «Норма маслаҳатчи»
Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2008 йил 27 март, ПҚ-822-сон	17-сон «Норма маслаҳатчи»
Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида	2008 йил 1 май	21-сон «Норма маслаҳатчи»
Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида	2008 йил 1 май, ПФ-3993-сон	21-сон «Норма маслаҳатчи»
Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида	2008 йил 24 апрель, ПҚ-843-сон	21-сон «Норма маслаҳатчи»
